


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 20 июль, № 152 (7932) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

**Қадрли юртдошлар!**

Қалбларимиз файзу илоҳий шукуҳга тўлиб турган ушбу улуғ кунда юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни тинчлик, шукроналик, меҳр-оқибат ва саховат рамзи бўлган муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу табаррук айёмни байрам қилаётган Ер юзидаги барча мусулмон умматига, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимизга халқимиз номидан самимий салом ва табрикларимизни йўллаймиз.

Бу йилги Қурбон ҳайити Ватанимиз мустақиллигининг шонли 30 йиллик тарихий санаси арафасида ўтаётгани унинг бетакрор руҳи ва кўрку тароватини янада зиёда этмоқда.

Мустақил юртда буюк мақсадлар билан тинч ва осойишта яшаш, ҳалол меҳнат қилиш муқаддас динимизнинг эзгу ғояларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Сўнгги йилларда эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан барча соҳа ва тармоқлар қатори муқаддас динимиз, миллий-диний қадриятларимизни тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Улуғ уламоларимизнинг беназир илмий меросини чуқур ўрганиш, динимизнинг инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган эзгу анъаналарини муносиб давом эттириш мақсадида мамлакатимизнинг бугунги янги тараққиёт босқичида ислом маънавияти ривожига улкан эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби ва Мир Араб олий мадрасаси каби янги муассасаларнинг ташкил этилгани, ҳадис, калом, фиқҳ ва тасаввуф мактабларига асос солингани, ўнлаб янги масжидлар ва зиёратгоҳлар қурилаётгани ҳамда таъмирланаётгани бу борадаги ишлар кўлами нечоғли кенг эканидан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон фуқароларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари қаторида диний соҳадаги талаб ва эҳтиёжлари ҳам тўлиқ таъминланмоқда. Бу ҳақда гапирганда, яқинда янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

**Муҳтарам ватандошлар!**

Барчамизга аёнки, жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкам қарор топтиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири ижтимоий ва диний бағрикенгликдир. Юртимизда турли конфессиялар вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшаётгани, жонажон Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани бизнинг энг катта бойлигимиздир.

Маълумки, халқимиз асрлар давомида диний ва дунёвий илмларни ўзаро уйғун ривожлантириш борасида ноёб тажриба мактабини яратган. Бу фикрнинг амалий тасдиғини ўзининг беқиёс илмий кашфиётлари, маънавий-маърифий тафаккури билан жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган улуғ олимлар ва уламоларимизнинг бебаҳо мероси мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда ана шундай нодир маънавий хазинани чуқур ўрганиш борасида янада катта имкониятлар очилмоқда.

Ишончим комилки, икки дунё саодатига эришишдек улуғ орзу-ниятлар билан яшаётган олижаноб халқимиз униб-ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашда ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, улкан ютуқларга албатта мушарраф бўлади.

**Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!**

Ҳозирги мураккаб пандемия даврида диний ибодатларни уй шароитида адо этиш бўйича кўпни кўрган уламоларимиз томонидан билдирилган таклиф, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг ҳаёти ва саломатлигини асрашга қаратилган энг тўғри қарордир.

Ушбу улуғ айём кунларида барчамиз Қодир Аллоҳдан бутун инсоният бошидан кечираётган бундай оғир синовларни енгиб ўтишда Ўзи мададкор бўлишини сўраймиз.

Сиз, азизларни муборак Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга Аллоҳ таолодан сиҳат-саломатлик, бахту саодат, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Дуогўй кексаларимизнинг эзгу тилаклари ижобат бўлсин!

Ёшларимизнинг бахтини, камолини берсин!

Юртимиз доимо тинч, халқимиз ҳамиша соғ-омон бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАЙДОНЛАРИНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 19 июль куни насос станцияларини модернизация қилиш орқали қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Юртимизда 1 минг 687 та насос станцияси бор. Шундан 299 таси эскирган бўлиб, улар билан суғориладиган ерларнинг 80 минг гектари фойдаланишдан чиқиб кетган, 607 минг гектарида сув таъминоти ёмонлашган. Ушбу насос станцияларини янгилашга жами 700 миллион евро маблағ талаб этилади.

146 миллион евро хорижий кредит эвазига, биринчи навбатда, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларидаги жами 95 та насос станциясини модернизация қилиш режалаштирилган.

Йиғилишда шу борада бажариладиган ишлар белгиланди.

Сув хўжалиги вазирлигига йил якунига қадар ускуналар хариди бўйича тендерларни якунлаб, қурилишни бошлаш юзасидан топшириқ берилди.

Модернизация учун зарур бўлган 86 турдаги насосдан 15 таси, 80 турдаги электр двигателидан 20 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Давлатимиз раҳбари ускуналар харид қилишда бундан кенг фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Лойиҳа доирасида 40 минг гектар ерни фойдаланишга қайтариш ва 315 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш мақсад қилинган. Хусусан, Бухоро ва Навоий вилоятларида 3 тадан туманда, Қашқадарёда 5 та, Самарқандда 6 та ва Сурхондарё вилоятида 11 та, жами 28 та туманда суғориш имконияти ошади.

Бош вазир ўринбосари ва вилоят ҳокимларига сув таъминоти яхшиланадиган майдонларда юқори даромадли маҳсулотлар экиш ва шу асосда 80 минг нафар аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш бўйича дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз лойиҳа билан қамраб олинадиган ерларда сув тежовчи технологияларни жорий этиб, сув сарфини 40 фоизга қисқартириш ва қўшимча 20 минг гектар ерни фойдаланишга киритиш мумкинлигини таъкидлади.

Насос станцияларига техник хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш, ўқув курслари ва амалий семинарлар ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги яқинда янгиланган “Дўстлик” насос станцияси бу борада яхши намуна бўлади. Унинг модернизация қилиниши натижасида 11 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланган, эксплуатация харажатлари 300 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача камайган, йилига 8 миллион киловатт электр иқтисод қилинмоқда.

Мутасаддиларга лойиҳа устидан тизимли назорат ўрнатиш, маблағларнинг натижадорлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Янгиланадиган ҳар бир насос станциясини кластерларга боғлаб, лойиҳаларнинг бошидан охиригача уларнинг иштирокини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасадди вазирлар ва вилоят ҳокимлари бажариладиган ишлар ҳамда эришиладиган натижалар юзасидан ахборот берди.

**ЎзА.**

## Акс садо

# «ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУҲИМ ТАШАББУСИ МИНТАҚАЛАРАРО ИШОНЧ ВА АҲИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН»

*Хабарингиз бор, 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзуида олий даражадаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда иштирок этган хорижлик давлат ва жамоат арбоблари, экспертлар мазкур анжуманнинг аҳамияти, икки минтақа ҳаёти ва келажагида тутган ўрни ҳақида ўз фикрларини билдирди.*

*Қуйида шуларнинг айримлари билан танишишингиз мумкин.*

**Жозеп БОРРЕЛЬ,**
**Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий комиссари:**

— Анжуманда барча истиқболли масалаларни муҳокама этиш учун қулай имкониятлар ва шароитлар яратилди, улар Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Конференция ушбу минтақаларнинг сармоявий салоҳиятини кучайтириш, коммуникация йўналишларини кенгайтириш, янги инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилди. Шунингдек, иқлим ўзгариши ва глобал исишнинг долзарб масалалари, минтақавий аҳамиятга молик, шу жумладан, Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши билан боғлиқ масалаларни очиб берди.

**Оқилбек ЖАПАРОВ,**
**Қирғизистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири:**

— Ўзбекистон Президенти билан учрашувда икки томонлама кун тартиби ва минтақавий ҳамкорлик масалалари бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, Шавкат Миромоновичдан халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан ёшларга бағишланган маърузаларимда фойдаланиш учун рухсат сўрадим. Мен бу нутқни тарихий ҳужжат, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича ташаббуси минтақамиз давлатларини истиқболли келажакка интилиш, муносиб ёшларни тарбиялаш, глобаллашув ва рақамлаштириш даврида иқтисодий ривожланиш йўлида бирлаштирмоқда. Ўзбекистон ташаббуслари самарасида Жанубий Осиё минтақасида яшовчи қарийб 2 миллиард кишилик бозор Марказий Осиё учун очилиши мумкин. Бу минтақалараро савдони кенгайтириш йўлида катта имкониятлар тақдим этади. Ўйлайманки, минтақамиз давлатларининг биргаликдаги стратегияси муваффақиятга эришишга ёрдам беради ва яқин йилларда барча ташаббус ва лойиҳалар амалга оширилади.

Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик бундан кейин ҳам ривожланиб бораверишига ишонамиз. Ўтган йили бу кўрсаткич 10 фоизга ошди. 2021 йилнинг биринчи ярмида биз ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 400 миллион долларга етказдик. Умид қиламизки, йил охирига қадар бу кўрсаткич 1 миллиард долларга тенг бўлади. Бу давлатларимиз раҳбарлари томонидан жорий йилнинг март ойида эришилган келишувлар икки халқ манфаати учун муваффақиятли амалга оширилаётганидан далолат беради.

➡ 2

## Муносабат

# ШУКРОНАЛИК, САХОВАТ, МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.*

*Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар, Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга беҳисоб салавоту саломлар бўлсин.*

Шукрки, Аллоҳ таоло халқимизни муборак Қурбон ҳайити кунларига етказди. Фазилатли кунларда Ҳақ таолодан юртимизга тинчлик-осойишталик, қут-барака, оилавий бахту саодат, сиҳат-саломатлик, офият ва зафар беришини тилаб дуолар қиламиз.

Аллоҳ таоло Ўзининг сўнгги ва мукаммал дини ислом билан мўмин бандаларини сийлаб, мукаррам этар экан, улар учун Ўз ҳузурида энг улуғ бўлган кунларни байрам қилиб берди.

Қурбон ҳайитининг улуғлиги шундаки, бу кунларда ислом шиорлари дунё бўйлаб намойиш этилади. Мўмин-мусулмонлар тўпланиб, Аллоҳ учун ибодатлар ва қурбонликлар қиладилар, йўқсилларни йўқлайдилар. Такбиру таҳлиллар садоси самоларга туташади.



Ҳайит байрамлари қадимдан юртимизда ўзгача, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келган. Бу йил ҳам Президентимизнинг 13 июлдаги “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, байрамни карантин талабларига амал қилган ҳолда, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, Қурбон ҳайити буюк байрам ва қувончли воқеадир. Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Қурбонлик кунини байрам қилишга амр қилиндим. Уни Аллоҳ бу уммат учун хос қилгандир”,* дедилар. Демак, Қурбонлик кунини байрам қилишни Парвардигори олам Пайғамбар алайҳиссаломга амр қилган. Аллоҳ таоло фақатгина биз, умматларга бу Қурбон ҳайитини ўзига хос байрам қилиб берган.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Фажр” сурасида: **“Тонгга қасам. Ўн кечага қасам. Жуфт ва тоққа қасам”,** деб марҳамат қилган.

“Ўн кечага қасам”дан мурод зулҳижжа ойининг дастлабки 10 кунидир, “жуфтга қасам”даги “жуфт”дан мурод зулҳижжа ойининг ўнинчи куни, “тоқ”дан мурод эса тўққизинчи кунидир.

Имом Нисобурий айтадиларки, Аллоҳ таолонинг ушбу ўн кечага қасам ичиши бу кунларнинг нечоғли шарафли ва улуғ эканига далолат қилади ҳамда унда дунёвий ва ухровий манфаатлар борлигини билдиради.

Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Аллоҳ учун ибодат қилишга зулҳижжанинг ўн кунидан севимлироқ кунлар йўқ. Унинг ҳар кунлик рўзаси бир йиллик рўзага, ҳар тундаги ибодат Лайлатул қадрдаги ибодатга тенгдир”,* деганлар *(Имом Термизий ривояти).*

Уламолар бу кундаги фазилатли ибодатларни баён этишган. Аввало, Аллоҳ таологa таҳлил, такбир ва ҳамд айтиш. Бир ҳадиси шарифда: *“Бу кунларда таҳлил, такбир ва ҳамд санони кўпайтиринглар”*, деб марҳамат қилинган. Демак, Аллоҳнинг зикрини қилиб, кўп шукроналар келтиришимиз керак.

➡ 4

## Ташаббус

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ БЕҚИЁС ҒАЛАБАСИ

**Мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида 2021 йил 15-16 июль кунлари “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.**

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021
15-16 IYUL, TOSHKENT

### Анжуман статистикасидан айрим рақамлар

Мураккаб пандемия шароитига қарамасдан, ушбу анжуманда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари, Жанубий Осиё давлатлари ҳамда Россия, Хитой, Саудия Арабистони, Кувайт, Туркия ва Бангладеш — жами **44 та мамлакатнинг юқори мартабали вакиллари иштирок этди.**



Халқаро конференцияда, шунингдек, БМТ, Европа Иттифоқи, МДҲ, ШҲТ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби **30 га яқин халқаро ва минтақавий ташкилотлар делегациялари**, жаҳоннинг етакчи молия институтлари, нуфузли хорижий илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари раҳбарлари, дунё экспертлар ҳамжамиятининг таниқли экспертлари қатнашди.

**Иштирокчиларнинг сони қарийб 600 нафарга етди.** Давлатимиз бошлиғининг Тошкент анжуманининг мўътабар меҳмонлари билан юзма-юз мулоқоти учун **14 та расмий қабул маросими ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси асосида ташкил этилган ушбу анжуман нафақат Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари, балки бутун Евроосиё маконида доимий ва барқарор ривожланишга эришиш йўлида қўйилган ғоят муҳим тарихий қадам бўлди. Бундай қатъий фикр билдираётганимиз бежиз эмас.

Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **“Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустаҳкам замин яратади”**.

### Халқаро конференциянинг хусусиятлари

Бу конференцияни ўтказиш ташаббуси — тўсатдан хаёлга келиб қолган, шунчаки бир тасодифий ва омонат ғоя эмас, балки Ўзбекистон кейинги 5 йил давомида **изчиллик** билан илгари сураётган ва жаҳон ҳамжамияти кенг қўллаб-қувватлаётган, янада муҳими, ташқи сиёсий амалиётга теран татбиқ этилаётган бир қатор халқаро ҳамда минтақавий ташаббусларнинг узвий давомидир.

Бу ўринда изчиллик сўзига бекорга урғу бермаяпмиз. Негаки, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Президенти илгари сурган ташаббуслар асосида:

- Марказий Осиё бўйича конференция ўтказилди ва БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси қабул қилинди;

➡ 3

# «ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУҲИМ ТАШАББУСИ МИНТАҚАЛАРАРО ИШОНЧ ВА АҲИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН»

◄1

**Субраманьям ЖАЙШАНКАР, Ҳиндистон ташқи ишлар вазири:**

— Тошкент конференциясининг асосий мавзуси бўлган минтақавий ўзаро боғлиқлик истиқболлари ҳақида мазмунли мунозаралар бўлиб ўтди. Муваффақиятли ривожланиб бораётган ўзаро иқтисодий ҳамкорлик, савдо-сотиқ, сармоя, ҳинд компанияларининг Ўзбекистондаги фаолияти ҳақида ҳам сўз юритилди. Минтақадаги, хусусан, Афғонистондаги вазият бўйича фикр алмашилди.

Минтақалараро ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжуд. Олдинда бизни ҳамкорликдаги кўплаб ишлар кутиб турибди. Ўйлайманки, барча манфаатдор томонлар Тошкент конференциясидан ўзи учун керакли хулосаларни олди.

**Симона СУРИАНО, Италия парламенти “Италия — Марказий Осиё” дўстлик гуруҳи раиси:**

— Мамлакатингизга илк маротаба ташриф буюришим. Бундан жуда ҳам мамнунман. Чунки Ўзбекистон дунёда ўз ўрнига эга ва Марказий Осиёнинг чорраҳасида жойлашган энг катта мамлакатдир. У Осиёнинг бошқа давлатлари билан алоқаларни йўлга қўйиш, яқин муносабатлар ўрнатилишида жуда муҳим ўрин тутади.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилган конференция Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги алоқалар мавзуига бағишлангани билан ниҳоятда долзарбдир. Бу борада Ўзбекистоннинг иштироки ҳамда ташаббусларини юқори баҳолайман.

Мамлакатингизда охирги йилларда рўй бераётган ислоҳотлар, ўзгаришлар ҳам фикримни тасдиқлайди. Бу Италия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни ҳам юқори босқичга олиб чиқишига ишонаман.

Энди Афғонистонда бўлаётган жараёнлар ҳақида фикримни билдирсам. Ўзбекистон бу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши тарафдори ва афғон диёрида томонларнинг муросага келишида муҳим ўринга эга.

Форум давомида мазкур жиҳатга алоҳида урғу бериб ўтилди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши учун бизнинг мамлакат ҳам ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш ва кўмак беришга тайёр эканлигига урғу бериб таъкидлашни истардим.

Умид қиламизки, Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар, ҳар бир соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар бундан кейин ҳам барқарор ривожланиб боради.

**Манабу ШИМИЦУ, иқтисодиёт ва тарих фанлари профессори, эксперт (Япония):**

— Тошкентда ўтказилган йирик форум, том маънода, тарихий тадбирдир. Чунки бу кунларгача Марказий Осиё ва Жанубий Осиё алоқалари унчалик ривожланмаган эди. Энди бу вазият ўзгармоқда. Яъни икки минтақа тарихий алоқаларини, маданий, гуманитар, савдо ва бошқа йўналишлардаги ўзаро муносабатларини қайта тиклашга қатъият билан киришди.

Буни Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилган халқаро анжуман ҳам тасдиқлаб турибди. Мазкур форум Марказий ҳамда Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан ғоятда муҳим.




Олим сифатида шуни таъкидлашни истардимки, минтақаларимиз биргаликда илм-фанни ривожлантириш орқали жуда кўп жабҳаларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириши мумкин. Бу борада икки минтақада ҳам салоҳият жуда юқори. Мисол учун сув, ўрмон, ер ости бойликлари каби табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда инновацияларни қўллаб, юқори натижаларга эришиш мумкин.

Яна бир жиҳат: Ўзбекистон — жуда ноёб тарихий обидаларга бой мамлакат. Ўзим бу гўзал диёрга ўттиз мартадан кўп келганман. Деярли ҳамма вилоятларда бўлдим. Ҳар бир ҳудуд ўзига хос тарихий, маданий хусусиятга эга. Бу эса чет эллик сайёҳларга жуда қизиқ. Форум доирасидаги тадбирларда нафақат муҳим масалалар кўрилди, балки шу орқали Ўзбекистон ўзининг бугунги сайёҳлик салоҳиятини ҳам намойиш этди, десам, тўғри бўлади.

**Санжай Кумар ПАНДЕЙ, Жавахарлал Неру университети профессори:**

— Халқаро конференцияда минтақа мамлакатлари тараққиётига оид янги қарашлар, ғоя ва таклифлар илгари сурилди. Айтиш керакки, бу жараёнларда икки минтақани бирлаштирган Афғонистон муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли барча иштирокчилар ушбу мамлакатдаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилишдан манфаатдор эканликларини билдирди.

Таъкидланганидек, минтақалар анъанавий алоқаларга эга. Дунё эса ўзаро чамбарчас муносабатлардан иборат. Шундай экан, минтақалараро ришталарни қайта тиклаш вақти келди.

Маданий ва тарихий яқинлик, кўплаб соҳаларда алоқанинг муҳим нуқталари мавжудлиги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Ишончим комилки, конференция ўз мақсадларига эришди, буни минбарларда, сессиялардаги чиқишларда билдирилган фикрларнинг ўзаро ўхшашлиги ёки яқинлиги ҳам исботлайди.

Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур ташаббуси минтақалараро ишонч ва аҳилликни мустаҳкамлаб боришда жуда катта аҳамият касб этади.

**Зубаир ҚУРАЙШИЙ, Покистоннинг “Observer” газетаси журналисти:**

— Аввало, ушбу олий даражадаги халқаро конференцияга таклиф этилганим учун ташкилотчиларга ўз миннатдорлигимни билдираман. Зеро, Покистон ҳукумати ва жамоатчилиги қатори оммавий ахборот воситаларида ҳам ушбу анжуманга қизиқиш жуда катта.

Конференциядаги умумий муҳитда, у ерда эшитган, кўрган ва сезган ҳамма нарсаларимда бир нарса — некбинликни кўрдим. Шундай экан, мазкур глобал форум мамлакатлар ва халқларга катта умид бахш этади, ишонч беради, деб ўйлайман. Таъбир жоиз бўлса, навбатдаги босқич — яқинлашув, бирлашиш, ўзаро тушуниш учун эзгу ният дегани бу.

Зотан, мазкур форумда илгари сурилган таклифлар ва ташаббусларнинг амалга оширилиши минтақаларимиздаги барқарорлик, тинчлик ҳамда пировардида фаровонликни таъминлашга хизмат қилади.

**«Халқ сўзи».**

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистоннинг нафақат ички сиёсатида, балки ташқи сиёсатида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Тарихан қисқа даврда мамлакатимизнинг минтақадаги давлатлар билан муносабатида янги давр бошланганлигини дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этиб келаётир.*

# ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзуидаги халқаро конференция бунинг яққол исботидир. Мазкур анжуманнинг асосий мақсади — Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиёда ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича стратегик қарашларни намойиш этиш, икки минтақани иқтисодий ривожланган ҳудудга айлантириш ҳамда яхши қўшничилик ва қардошлик анъаналарини мустаҳкамлаш, дўстлик, ҳамкорлик муҳитини кучайтиришга замин яратиш, шунингдек, истиқболли бозорларга чиқиш, инвестиция, инновация ва технологияларни жалб қилиш, гуманитар ва сайёҳлик алмашинувларини фаоллаштириш бўйича аниқ таклифларни муҳокама қилишдан иборат бўлиб, ҳозирдан айтиш мумкинки, бунга муайян даражада эришилди.

Давлатимиз раҳбари халқаро конференцияда сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари азалдан халқлар ва цивилизациялар ўртасида фаол мулоқот майдони вазифасини ўтаб келган. Минтақаларимиз ҳамкорлиги туфайли тиббиёт, география, математика, меъморчилик, дипломатия, давлат бошқаруви каби соҳаларда салмоқли муваффақиятлар қўлга киритилган. Маданий ва маърифий қадриятлар эса муштарак ҳолда ривожланган. Аммо охирги асрларда бу борада муайян даражада сусткашлик кузатилди. Халқаро анжуман тарихий анъаналарни қайта тиклашга йўналтирилганлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Аслини олганда, ушбу мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон томонидан бошлаб юборилганига тўрт-беш йил бўлди. Аниқ айтадиган бўлсак, мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан муносабатларида юритган янгича очиқ сиёсати туфайли минтақада ижобий сиёсий муҳит шаклланди, дўстлик ва ўзаро манфаатларга асосланган муносабатлар мустаҳкамланди ва у тобора ривожланмоқда.

Буни ҳар биримиз кўриб-билиб турибмиз. Ўзбекистонимизнинг қўшни давлатлар билан муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилиши ҳисобига минтақавий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда, муҳими, минтақанинг инвестициявий жозибадорлиги борган сари ошмоқда.

Такрор бўлса-да, айтамизки, халқаро анжуман бу борадаги ишларимизга янгича суръат бағишлади. Шунингдек, конференцияда хавфсизлик, тинчлик, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва экологик таҳдидларга қарши курашиш, жумладан, Оролбўйи муаммоларини ҳал этишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, икки минтақага инновацион технология ва инвестицияларни жалб қилиш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини татбиқ этиш сингари долзарб масалалар ҳам муҳокама қилиндики, бу нафақат минтақамиз давлатлари, шу билан бирга, бошқа минтақалар мамлакатлари учун ҳам айни муддаодир.

Халқаро конференция доирасида БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман билан Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўртасида бўлиб ўтган мулоқотда ўзим ҳам иштирок этдим. Н. Герман охирги йилларда юртимизда бўлаётган ислоҳотлар, давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилгани, шу билан бирга, БМТ резолюцияларини амалиётга татбиқ этиш бўйича қилинаётган ишларни алоҳида эътироф этди. Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар, шунингдек, Марказий Осиё етакчи аёллари платформаси доирасидаги тизимли тадбирлар амалга оширилаётгани хусусида ижобий фикр билдирдики, бу бизга катта мамнуният бағишлади.

Умуман олганда, халқаро анжуман халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш, минтақаларимиз ўртасида иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳамда тинчлик, давлатлар равнақи ва халқларимиз фаровонлиги йўлида икки минтақа сиёсат майдонида янги қадам ташланди, десак, тўғри бўлар эди. Биз, сенаторлар ҳам халқаро конференциядан келиб чиқадиган вазифалар ижросига камарбаста бўлишга тайёрмиз.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.**

# ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК — РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

*Қаерда тинчлик ҳукм сурса, ўша жойда ривожланиш, тараққиёт бўлиши кундек равшан ҳақиқат. Шу боис нуронийларимиз дуога қўл очганда, аввало, юрт тинчлиги ва осойишталигини тилайди.*

Президентимиз ташаббуси билан яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзуидаги халқаро конференция нафақат қўшни минтақалар, балки бутун дунёда тинчликни таъминлаш ва шу орқали икки минтақани иқтисодий ривожланган ҳудудга айлантиришга қаратилгани билан алоҳида эътиборга молик. Бунинг учун тарихий вазият тақозоси билан ўн тўққизинчи асрда икки қўшни минтақанинг узилиб қолган алоқаларини яна тиклаш, ўзаро зиддият ва кескин можаролар туфайли Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида пайдо бўлган ғовларни олиб ташлаш талаб этиларди. Қолаверса, самарали трансчегаравий йўлларни тиклаш ва савдо-иқтисодий алоқаларни яхши йўлга қўйиш ҳамда маданий-гуманитар муносабатлар салоҳиятини тўла ишга солиш зарур эди. Буни давлат раҳбари ибораси билан айтсак: “Шундай мураккаб шароитда қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда”.

Ана шундай бир вазиятда Юртбошимиз юқорида номи айтиб ўтилган халқаро конференцияни ўтказиш таклифини ўртага ташлади ва буни кўплаб давлатлар қўллаб-қувватлади. Зеро, халқларимизнинг улкан тарихий, илмий, маданий-маърифий мероси ҳамда иқтисодиётимизнинг бир-бирини тўлдириш имкониятидан келиб чиқиб, мавжуд интеллектуал салоҳиятни, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни ўзаро мувофиқлаштириш вақти аллақачон келганди.

Халқаро конференция тарихий воқеалар ва натижаларга бой бўлди. Кези келганда, улардан айримлари ҳақида кенгроқ тўхталмоқчимиз. Масалан, ушбу форум арафасида Тошкентда Марказий Осиё халқаро институти очилди. Бу таҳлил маркази яқин истиқболда минтақамиз тараққиёти учун қўл келадиган янги-янги ғоя ва ташаббусларни илгари суришига ишонамиз.

Яна бир муҳим воқеа сифатида Юртбошимиз томонидан илгари сурилган конференция якунлари бўйича Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида, умуман, Евроосиё маконида доимий ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили сифатида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюция лойиҳасини ишлаб чиқиб, БМТ Бош Ассамблеясига тақдим этиш таклифини келтириш мумкин.

Мазкур ҳужжатда бизнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари минтақавий боғлиқлиги бўйича юқори даражадаги форумларни мунтазам ўтказиб боришга тайёрлигимиз акс этиши лозимлиги ҳам таъкидландики, шунинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг минтақалараро мулоқотни ривожлантиришда қанчалик фаоллигини кўрсатиб турибди. Бинобарин, минтақалараро тинчлик ва ҳамкорлик шу ҳududдаги барча давлатлар тараққиётини белгилаб берувчи энг асосий омил эканлигини бошқаларга ҳам етказа олдик.

Бунга бошқаларни ишонтиришимиз учун амалий ҳаракатларимиз зарур эди. Бу борада бизга Марказий Осиё минтақасида — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш бўйича амалга оширган туб янгиланишларимиз қўл келди, десак, айни ҳақиқат. Қўшниларимиз билан биргаликда амалга оширган кенг кўламли саъй-ҳаракатларимиз натижасида минтақамизда ўзаро ишонч ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳига асосланган мутлақо янги муҳит шаклланди.

Энди ана шу муҳитни қўшни минтақаларга ҳам кўчириб ўтказсак, нур устига нур. Мақсадимиз эзгу. Ишонамизки, яқин истиқболда бу интилишларимиз ўз самарасини бера бошлайди ва салкам икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларида тинчлик ҳукм суриб, давлатларимиз ўзаро ҳамкорлик асосидаги тараққиётнинг мутлоқо янги босқичига қадам қўяди.

**Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи, полковник.**

# ЎЗБЕК ОЛИМИНИНГ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҲАҚИДАГИ МАҚОЛАСИ АҚШДА ЧОП ЭТИЛДИ

*Бугун Ўзбекистондаги туб ўзгаришларга нисбатан жаҳон ҳамжамиятининг қизиқиши ҳар қачонгидан ҳам кучли.*

*Эътиборлиси, нафақат хорижлик экспертлар, ишбилармонлар, давлат мутасаддилари, журналистлар мамлакатимиздаги янгиланишлар ҳақида масс-медиа ва ижтимоий тармоқларда ўз фикрларини билдиришяпти, турфа материаллар ҳамда интервьюлар беришмоқда, балки маҳаллий матбуотимиз ва интернет нашрларини диққат билан кузатиб, тақдим этилаётган маълумотлар билан танишиб боряпти, ҳатто таниқли оммавий ахборот воситалари янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар мазмун-моҳияти чуқур очиб берилган мақолаларни ўзларида кўчириб босишмоқда.*

## Эътироф

Бу тенденция дунёда юртимизга нисбатан маънавий-маърифий интилиш ортиб бораётгани тасдиғи бўлиши билан бир қаторда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг прогрессив ғояларини глобал миқёсда оммалаштиришга хизмат қиляпти.

Қувонарлиси, мазкур эзгу мақсадлар йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар жараёнида “Халқ сўзи” газетаси ва унинг расмий сайти — www.xs.uz ҳам фаол қатнашмоқда.

Гап шундаки, Самарқанд давлат университети профессори, академик Бакриддин Зариповнинг босма ва электрон нашримизда яқинда берилган “Учинчи Ренессанс пойдевори инсонпарварлик ва илм-фан асосига тикланмоқда” мақоласи АҚШнинг таниқли “Medium” халқаро интернет нашри томонидан инглиз тилига ўгирилиб, қайта босилди.

Бу Америкада ҳам янги Ўзбекистоннинг дадил қадамлари катта қизиқиш билан кузатиб борилаётганининг яна бир тасдиғидир.

Мақола давлат раҳбарининг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан олинган қуйидаги иқтибос билан бошланади:

“Бугунги кунда кўп миллатли халқимиз Ватанимиз тараққиёти учун, Ўзбекистоннинг янги Уйғониш даврини яратиш йўлида белини маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу йўлда улкан орзу-умидлар, катта режалар билан сафимизга қўшилаётган ёшларимиз — асосий таянчимиз ва суянчимиздир”.

Унда мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ҳамда таълим соҳасидаги туб ислоҳотлар мазмун-моҳияти кенг очиб берилган. Хусусан, булар Ўзбекистон ҳудудида рўй берган буюк икки Ренессанс илдизидан сув ичаётгани, маърифатпарварлик қадриятлари билан чамбарчас боғланиб кетгани таъкидлаб ўтилган.

Таҳлилда Ўзбекистонда кейинги уч йилда олий таълим муассасалари сони 65 тадан 117 тага етгани, қабул ўринлари 66 мингтадан 181 мингтага ошгани, демак, ҳар йили юз мингдан зиёд ёшлар энг ёруғ орзуси — ўқиш истагига эришишига замин яратилаётганига алоҳида тўхталиб ўтилган.

“Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларда жаҳон афкор оммаси дунё сиёсатида янги бир тўлқинни кўраётганини эътироф этишмоқда. Бу тўлқинни ҳаракатга келтираётган куч эса Президент Шавкат Мирзиёев томонидан белгиланган мамлакатнинг янги тараққиёт йўлидир.

Бу биқиқ иқтисодиётдан шаффофликка ўтган, дунёга кенг қулоч очган, ҳар бир қадамида одамлар манфаатини устувор қўйган ўзига хос тараққиёт йўлидир. Таъбир жоиз бўлса, уни бешта “И” — интеграция, инновация, инсон капитали, ишонч ва иқтисодий ўсишга асосланган тараққиёт формуласи, деб аташ мумкин.

Бугунги кунда ушбу тамойилларни бир нуқтада бирлаштирган янгиланишларга ҳаётимизнинг кўплаб жабҳаларида гувоҳ бўляпмиз. Масалан, кластерлар фаолияти бунга яққол мисолдир. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан миллий иқтисодиётимизга татбиқ этилаётган кластерлар фаолиятининг самаралари хусусида узоқ ёзиш мумкин. Аммо ҳозир унинг биргина жиҳати, айнан илм аҳлига берган афзаллигини айтиб ўтмоқчимиз. Бу миллат болалари ва уларнинг устозлари пахта далаларидан қайтариб олинишида муҳим роль ўйнади” деб ёзилади нашрда.

Мақолада Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ҳамда илҳом бағишлаши лозим. Аввалламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда, тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур” деган даъвати бошқалар учун ҳам ибрат бўлса, ажаб эмас.

Муаллиф бугун янги Ўзбекистон тарихига ёзилаётган зарҳал ҳарфлар хорижлик олимлар нигоҳидан ҳам четда эмаслиги ҳақида тўхталар экан, яқинда АҚШнинг Нью-Йорк штатида яшайдиган олим, биология фанлари доктори, профессор, академик — Эфроим Гурман билан айни шу мавзуда суҳбатлашиб қолгани ҳақида тўхталиб ўтади:

“Олим шундай деди: “Президент Шавкат Мирзиёев дунё давлатлари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб “Халқимиз келажакда эмас, бугун ҳам яхши яшаши керак”, деган улуғ мақсад, эзгу вазифани илгари сурди ва бунинг ечимини ҳам топиб берди. Айниқса, унинг учинчи Ренессанс ғояси ниҳоятда ажойибдир. Сабаби бугунги илму фанга асосланган, дунёни фақатгина илм билан бошқариш мумкин бўлган замонда шундай ғояларгина қудратли куч касб эта олади”.

Бинобарин, бугун глобаллашаётган замонда макон тушунчаси торайиб бормоқда. Дунёнинг нариги бурчагида ахборотни лаҳза ўтмай бу нуқтасида кўриш мумкин. Аммо шуниси муҳимки, Ватан ва унинг истиқболи ҳақида қарашлар ҳеч қачон торайган эмас.

Дарҳақиқат шундай. Зеро, Ўзбекистонда келажак таълим ва илму фанда кўрилаётгани, учинчи Ренессанс ғояси миллий ғоя даражасига кўтарилгани, замонавий дунёга юзланиш ҳамда дунё билан тенглашмоқ истагида ана шу Ватан ва миллат туйғусининг яна бир жилваланишини кўриш мумкин.

Академик Бакридин Зарипов фикрларини шу тақлид мантиқий давом эттирар, шундай ҳаётий хулосага келади:

“Бу туйғу халқимизнинг қонида жўш уриб турган маърифатга ташналик ва ўша олис ўтмишдаги буюк Уйғониш насимларининг соғинчи билан муштаракдир. Шундай экан, дунё саҳнига яна янги тамаддун билан бўйламоққа бу халқ минг бора ҳақлидир.

Учинчи Ренессанс пойдеворининг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилувчи бугунги буюк ғояларда ана шундай улуғ мақсадлар мужассамдир”.

Шундай қилиб АҚШ аудиторияси учун янги Ўзбекистон ҳақидаги яна бир қизиқарли таҳлил тақдим этилди.

**«Халқ сўзи».**

## ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

*Самарқанд — Панжакент темир йўли тожикистонлик ва ўзбекистонлик тадбиркорлар маблағи ҳисобига қурилади.*

*Тожикистон транспорт вазири Азиз Иброҳим матбуот анжуманида шу ҳақда тўхталди.*

### Одамлар оғири енгил, узоғи яқин бўлади

Вазирнинг айтишича, Самарқанд — Панжакент темир йўлини қуриш масаласи икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Душанбе ва Тошкентда бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия мажлисида муҳокама қилинган. Мазкур лойиҳанинг аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, Самарқанд — Панжакент темир йўли қурилиши нафақат юклар ҳамда йўловчилар қатновини оширади, балки туризм ривожига ҳам ҳисса қўшишини таъкидлади. Чунки мазкур темир йўл икки қадимий шаҳар — Самарқанд ва Панжакентни бир-бирига боғлайди. Айни дамда ишчи гуруҳ мазкур лойиҳани ҳаётга жорий қилиш бўйича ишлар олиб бормоқда.

---

### Фуқаролар мурожаати юзасидан давра суҳбати

*Жиззахда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган қонун, Фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти ҳамда Олий Мажлис Сенатига фуқаролар томонидан келиб тушган мурожаатлар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.*

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши котибиятида ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят Кенгаши котибияти ходимлари, депутатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда Президентимиз томонидан имзоланган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун, “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор доирасида юртимизда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз борди. Ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

### Ҳуқуқшунос аёллар кенгаши тузилди

*Навоий вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда иш юритаётган аёллардан иборат Ҳуқуқшунос аёллар кенгаши фаолияти йўлга қўйилди.*

Жамоатчилик асосида тузилган кенгашнинг дастлабки учрашуви вилоят адлия бошқармасида ўтказилиб, унда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида сўз юритилди.

Тадбирда оилавий ажримлар билан боғлиқ мавжуд ҳолат инобатга олиниб, тажриба сифатида Навоий шаҳридаги 31 та маҳалла фуқаролар йиғинига ҳуқуқшунос аёлларни бириктириш ва ижтимоий аҳволи оғир, ҳуқуқий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар билан якка суҳбатлар уюштириш орқали уларга ҳуқуқий ҳамда психологик ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ БЕҚИЁС ҒАЛАБАСИ

1

● Афғонистон бўйича конференция ўтказилди ва БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси қабул қилинди;

● Марказий Осиёда туризмни ривожлантириш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси қабул қилинди;

● Орол бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси қабул қилинди.

Бу конференцияни ўтказиш ташаббуси — Марказий ва Жанубий Осиё, умуман, Евроосиё минтақасини барқарор, иқтисодий ривожланган, фаровон ҳудудга айлантиришга қаратилган тарихий ва маърифий, илмий ҳамда амалий, изчил ва мантиқий, истиқболли ҳамда самарали, содда қилиб айтганда, ҳар томонлама мағзи тўқ дастуриламал ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев минтақамизнинг жадал ривожланиш истиқболлари ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини стратегик жиҳатдан теран кўра билгани туфайли Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги кўп асрлик тарихий алоқаларни тиклаш ташаббусини илгари сурди. Шу нуқтаи назардан, мазкур геосиёсий ёндашув ташқи алоқаларнинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш орқали минтақамизнинг улкан савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-транзит, илмий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун вужудга келаётган янги имкониятларни тушунишга асосланганi билан алоҳида эътиборни тортади.

Халқаро конференцияда бу ҳақда атрофлича гапирилди, турли фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди. Мазкур анжуманнинг айрим ўзига хос хусусиятларини санаб ўтамиз.

**Биринчи хусусияти:** Тошкент халқаро конференцияси умумжаҳон миқёсидаги муаммоларни дадил кўтариб чиқишга ҳамиша энг етук давлат раҳбарлари қодирлигини янада яққол кўрсатди. Зеро, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти асосчиси ва раиси **Фредерик Старр**нинг эътироф этишича, Шавкат Мирзиёев шундай салоҳиятга эга давлат раҳбарларидандир.

**Иккинчи хусусияти:** конференция ўз вақтида ўтказилди. Натижада жаҳон аҳлини, миллий, минтақавий ва глобал даражадаги асосий иштирокчиларни ўйлантираётган долзарб муаммолар чуқур муҳокама қилинди, **ўзаро атрофлича фикр алмашилди.** Туркия ташқи ишлар вазири **Мавлуд Чавуш ўғли** қайд этганидек, **“Минтақавий ўзаро боғлиқлик, таҳдидлар ва имкониятлар борасидаги ушбу конференция айни муддао ва ўз вақтида ташкил этилган тадбир бўлди”.** Бу фикрни кўплаб бошқа иштирокчилар ҳам таъкидлади.

**Учинчи хусусияти:** анжуманда юқори мартабали меҳмонлар иштирок этгани, бир томондан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро обрў-эътибори юксаклигидан далолат бўлса, иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонга катта ишонч билан қараши ва давлатимиз раҳбари ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлашининг амалий мисолидир.

Европа комиссияси вице-президенти, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили **Жозеп Боррел**нинг **“Ўзбекистон етакчисининг Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини мустаҳкамлаш борасидаги глобал ташаббуси муҳим аҳамиятга эга ва ўз вақтида илгари сурилаётган”** ташаббус дея берган юксак баҳоси ҳам буни яққол тасдиқлайди. У ўз ташрифининг сабаблари: биринчидан, Ўзбекистон Президентининг таклифига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, иккинчидан, Тошкент конференцияси мавзуси Европа Иттифоқини қизиқтириши билан боғлиқ эканини таъкидлади.

**Тўртинчи хусусияти:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқида кўтарилган ташаббуслар тўла қўллаб-қувватланди. Нима учун?

Чунки, аввало, айни ташаббуслар ҳозирги замон жаҳон сиёсатининг кун тартибида турган ва Тошкент халқаро анжуманида атрофлича муҳокама қилинган долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон мавзуси билан чамбарчас боғлиқдир. АҚШ Атлантика кенгашининг Евроосиё тадқиқотлари маркази директори **Жон Хербст** шундай кўламдор конференцияни ташкил этгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирар экан, айниқса, айни вақтда Афғонистонда юз бераётган воқеалар нуқтаи назаридан, ушбу анжуманнинг аҳамияти ниҳоятда долзарб эканини таъкидлади.

**Бешинчи хусусияти:** анжуман мавзуси юзасидан уч даражада: миллий, минтақавий ва глобал миқёсларда фикрлар билдирилди. **Ф. Старр** таъкидлаганидек, “**биз янги бирон нарса бошлаётганимиз йўқ, бу қадимий ва ҳақиқий минтақанинг қайта кашф қилиниши, Жанубга йўлнинг қайта қурилишидир”**.

**Олтинчи хусусияти:** янги Ўзбекистон ва унинг Президентининг ташаббускор, тинчликсевар, инсонпарвар ташқи сиёсати дунё афкор оммаси диққат марказида тургани яна бир бор ёрқин намоён бўлди.

Жанубий Кореядаги етакчи нашрлардан бири — **“The Korea Post”** журнали асосчиси ва президенти **Ли Кён Шик** ўз интервьюсида қайд этганидек, **“бугун инсоният турли муаммолар гирдобида қолмоқда. Ана шундай бир шароитда минтақалар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, мавжуд муаммо ва таҳдидларни биргаликда бартараф этиш, ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳилликда умумбашарий қадриятларни мустаҳкамлаш келажакда Марказий ва Жанубий Осиё халқларининг кўп асрлик ўзаро алоқаларини янада ривожлантиришга ёрдам беради”**.

**Еттинчи хусусияти:** Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси **Гусейн Гулиев** эътироф этганидек, **“Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ҳам, халқаро майдонда ҳам катта обрў-эътиборга эга. Бугунги кунда мамлакатнинг фикри инобатга олинмоқда, у муҳим ташаббусларни фаол илгари сурувчи ва глобал кун тартибини амалга оширишда фаол иштирок этувчи муҳим давлат сифатида танилди. Замонамизда буларнинг барчаси жуда муҳим, чунки бундай глобал масъулиятли ишларни ҳамма давлатлар ҳам ўз зиммасига ололмайди. Ўзбекистон ташаббуслари тинчликни таъминлаш, барқарор ва адолатли ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун асос бўлиб хизмат қилмоқда”**.

Конференция янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг яна бир улкан ютуғи сифатида тан олинди. **Ф. Старр** таъбири билан айтганда, **“Бу конференция Ўзбекистон Президенти олиб бораётган ташқи сиёсатнинг беқиёс ғалабасидир”**.

## Президентимиз нутқининг илмий-назарий ва тарихий-маърифий аҳамияти

Юртбошимизнинг халқаро конференциядаги **“Тарихий ва цивилизациявий муштараклик, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари фаровон келажакни бунёд этишда мустаҳкам замин яратади”** номли нутқи нуфузли анжуман аҳли, мамлакатимиз ва бутун дунё жамоатчилиги ҳамда экспертларда катта қизиқиш уйғотди. Бу бежиз эмас.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

**Биринчи аҳамияти:** матни ўзбек, инглиз ва рус тилларида кенг тарқатилган ушбу нутқда нима учун бундай анжуман ташкил этилганининг сабаблари аниқ кўрсатилди. Энг асосийси, **Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустаҳкам замин яратиши ҳар томонлама асослаб берилди.** Ўзбекистон Президентининг нутқи, япониялик экспертнинг фикрича, оддий нутқ эмас, балки айни йўналишдаги **Ҳаракат дастуридир**.

**Иккинчи аҳамияти:** Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигининг тарихий-назарий омиллари чуқур таҳлил қилинди. Ўзбекистон Президентининг фикрича, **“Бугунги кунда дунё турли таҳдидлар, шу билан бирга, янги имкониятларни ўзида мужассам этган глобал геосиёсий ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Шундай мураккаб шароитда қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда”**.

**Учинчи аҳамияти:** Президентимиз минтақавий ўзаро боғлиқликнинг тарихий, илмий, адабий, диний, цивилизациявий мезонлари бўйича ўзига хос концепциясини илгари сурди. Концепция Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янги **геосиёсий, геоиқтисодий ва геоцивилизациявий ёндашуви — квинтэссенциясини ўзида мужассам этди**.

Бу ўринда минтақавий ўзаро боғлиқликнинг мутлақо янги концепцияси, назарияси ҳақида сўз бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг ушбу концепцияси шартли равишда уч қисмдан, яъни минтақавий ўзаро боғлиқликнинг

● геосиёсий;

● геоиқтисодий;

● геоцивилизациявий асосларидан иборат.

Ҳолбуки, шу вақтга қадар, одатда, бундай боғлиқликнинг фақат геосиёсий ўлчами ҳақида сўз юритиб келинарди, холос.

**Тўртинчи аҳамияти:** нутқда Марказий ва Жанубий Осиё маконида тарихий ягона савдо-иқтисодий, илмий-маърифий, маданий-маънавий, диний-цивилизациявий боғлиқликни янги тарихий шароитда тиклаш ғояси ана шу йўналишлар бўйича чуқур асослаб берилди. Яъни:

**биринчиси:** геосиёсий йўналиш — асосан, Афғонистон муаммоси билан боғлиқ;

**иккинчиси:** геоиқтисодий йўналиш — транспорт ва савдо-сотиқ, инновация ва инвестициялар маконини яратиш;

**учинчиси:** геоцивилизациявий йўналиш — маданият, маънавият, сайёҳлик, илмий изланишлар учун ягона макон яратишни кўзда тутади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг минтақалараро ўзаро боғлиқлик концепцияси нафақат Марказий ва Жанубий Осиё учун, балки дунёнинг бошқа минтақалари учун ҳам қўлланиши мумкин бўлган ёндашувдир.

Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси **Агостино Пинна** таърифлаганидек, **“Тошкент форуми Ўзбекистоннинг Европа ва Осиёни ўзаро боғлайдиган бўғин сифатидаги тарихий ўрнини намоён этмоқда. Чунки анъанавий тарзда кўп асрлар давомида бу замин Европа ва Осиё ўзаро боғлиқлик, савдо алоқалари ва маданиятлар чорраҳаси бўлиб келган. Бугун ўз вақтида илғор бўлган минтақавий ўзаро боғлиқликни XXI асрдаги фаровонлик ва тараққиёт учун қайта тиклаш имконияти юзага келмоқда”**.

**Бешинчи аҳамияти:** методология нуқтаи назаридан, Президент нутқи: тарихийлик, илмийлик, тизимлилик (синергетик ёндашув), прагматик ёндашув ва амалий натижаларга эришишга йўналтирилгани билан алоҳида эътиборга моликдир.

**Олтинчи аҳамияти:** нутқнинг кўргазмалилик жиҳати ҳам диққатни тортади. Яъни давлатимиз раҳбари ўз фикрларини харита, турли чизмалар ва расмлар орқали кенг оммага шоён етказиб беришга муваффақ бўлди.

**Еттинчи аҳамияти:** Президентимиз нутқида минтақавий ўзаро боғлиқликни амалга ошириш бўйича 10 та устувор йўналишда: сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий, туристик соҳалар бўйича таклифлар билдирилди.

Энг муҳими, **Ўзбекистон Президенти Тошкент конференцияси якунлари бўйича Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида, умуман, Евроосиё маконида доимий ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили сифатида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди**.

Аксарият экспертлар қайд этганларидек, совуқ уруш тугаганидан сўнг кўпчилик **“Энди дунё давлатлари қайси йўлдан кетади?”** деган оддий, айни чоғда тақдируламал саволга жавоб излаб келарди. Шу маънода, Тошкент анжумани даврни белгиловчи кўламдаги тадбир бўлган бўлса, Ўзбекистон Президентининг нутқи энг етакчи сиёсатчилар ҳам орзу-ҳавас қилиб юрган юксак инсоний ғоялар ҳамда амалий таклифларни ўзида бaралла акс эттирди.

**Лойиҳада Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари минтақавий боғлиқлиги бўйича юқори даражадаги доимий форумларни анъанавий мулоқот майдонига айлантириш таклифи акс этиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.** Шу тариқа конференция яна бир бор Тошкент руҳини тиклади.

## Анжуман якунлари: таҳлиллар, эътирофлар, натижалар

Халқаро конференция иштирокчилари анжуман мавзуси доирасида кўтарилган барча масалани ўзларининг мамлакатлари, минтақавий ва глобал миқёсдаги манфаатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилган ҳолда, фикр-мулоҳазаларини очиқ баён этдилар. Муҳокамалар якунида эришилган бир қатор дастлабки натижаларни кўрсатиш мумкин.

**Биринчи натижа.** Иштирокчиларнинг фикрича, ҳар икки минтақанинг инсон ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ ишга солиш лозим. Мавжуд транспорт-транзит имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда, қадимий Буюк Ипак йўли, Буюк Ҳинд савдо йўлини тиклаш орқали истиқболли ягона бозор яратиш, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ялпи ҳудудини инвестиция, технология ва инновациялар, фаол гуманитар ва туристик алмашинувлар маконига айлантириш керак.

Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси **Хенди Ассана** бу ҳақда тўхталар экан, жумладан, шундай деди: **“Конференция минтақанинг темир йўл, автомобиль йўли, ҳаво, қуруқлик ва денгиз орқали алоқалари инфратузилмасини ривожлантириш воситасида минтақавий боғлиқликнинг аҳамиятини намоён этди, деб ҳисоблайман. Ишончим комилки, бугунги глобаллашув даврида ҳеч бир мамлакат ўз иқтисодиётини бутун дунё билан интеграциялаштирмасдан ривожлантира олмайди”**.

**Иккинчи натижа.** Анжуман қатнашчилари томонидан ягона ялпи инновацион муҳит яратиш муҳимлигига ҳам эътибор қаратилди. Бунда, айниқса, транспорт-коммуникация инфратузилмалари билан боғлиқ кўп томонлама лойиҳаларни амалда татбиқ этиш жуда муҳимдир.

Покистоннинг Денгиз ишлари бўйича федерал вазири **Али Ҳайдер Заидий** Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бериб, ўз мамлакати бундай ҳамкорликка тайёрлиги ва тегишли инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга ҳар жиҳатдан кўмаклашишини маълум қилди. Покистон вазири, жумладан, **“Мазкур лойиҳалар нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун, балки Покистоннинг ўзи учун ҳам муҳимдир, чунки биз Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақасининг бозорларига чиқиш имкониятини қўлга киритамиз”**, деди.

**Учинчи натижа.** Конференцияда минтақалараро узвий боғлиқлик концепциясини амалга ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада **Ўзбекистон Президенти илгари сурган улкан бирдамлик ғоясига узоқни кўра билиш ва тўғри прогноз қилиш қобилиятининг ҳосиласи сифатида юксак баҳо берилди.**

Индонезиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси **Сунарио Картадината** айни мавзуда сўз юритар экан, **“Бу жуда оқилона ва мақбул қадам бўлиб, Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий келажагини ижобий томонга ўзгартиришига ҳамда мамлакатни янада йирик тортиш кучининг марказига айлантирган ҳолда ҳукумат ва халқни ҳайратлантиришига шубҳа йўқ. Бу Марказий ва Жанубий Осиёнинг кенг миқёсли геосиёсий маконида аниқ-равшан рўй беришига аминман”**, деб таъкидлади.

**Тўртинчи натижа.** Тошкент конференцияси халқаро майдонда қўллаб-қувватланди ва хорижий экспертларнинг юқори баҳоларига сазовор бўлди. Энг асосийси, **Ўзбекистон “локомотив”, яъни етакчи давлат мақомига кўтарилди.**

**Бешинчи натижа.** Халқаро анжуман янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгича ташқи сиёсатнинг улкан ютуғи ва мантиқий давоми, деб эътироф этилди.

Қисқача айтганда, **Тошкент халқаро конференцияси натижалари шу икки минтақа ҳудудида яшайдиган оддий одамларга нима беради?**

Авваламбор, Буюк Ипак йўли каби азалий халқаро савдо йўлларининг тикланиши бозорларимиздаги тўкинликни таъминлайди. Бу эса маҳсулотларнинг тури тубдан ортиши, турфа товарлар сифати янада яхшиланиши ва нарх-наво арзонлашишига олиб келади.

Шунингдек, маданиятлараро ранг-баранглик кучаяди. Бу, ўз навбатида, ҳар хил маданият, тил ва динга мансуб неча миллионлаб инсонлар ўртасида ўзаро ишонч ва самимий мулоқот, бағрикенглик ва бирдамлик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини тубдан мустаҳкамлайди.

Қолаверса, олис тарихда — **биринчи Шарқ Уйғониши ва иккинчи Темурийлар Ренессанси** даврларида бўлганидек, тижорат ва савдо-сотиқ, саёҳат ва зиёрат, билим олиш ва илм ўрганиш мақсадини кўнглига туккан ҳар бир инсоннинг ана шу улкан маконда эмин-эркин ҳаракатланишига кенг йўл очилади. Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси **Цзянь Янь** сўзлари билан айтганда, **“Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича ташаббус Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси билан ҳамоҳанг”**.

Шундай қилиб, конференция икки минтақа ўртасида икки томонлама ва минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш борасида янги даврни бошлаб берди.

Икки минтақа тез ривожланаётган макон ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон Президентининг ташаббуси икки минтақа ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича стратегик лойиҳадир.

Конференция Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бўйича янги формат бўлиб хизмат қилади. Зеро, минтақалараро боғлиқлик доирасидаги ўзаро ҳамкорликдан барча мамлакатлар манфаатдор.

Минтақавий ҳамкорлик — регионализм — ўзаро манфаатли ҳамкорлик натижасида хавф-хатар камаяди, хавфсизлик даражаси ортади.

Ўзбекистон Президенти минтақада стратегик мувозанатни таъминлашга интилмоқда. Бинобарин, халқаро муносабатларга янги руҳ, янгича иқлим бахш этилди. Регионализмнинг янги руҳи яратилди.

Албатта, биз баён этган фикр-мулоҳазаларнинг барчаси халқаро конференция ҳақидаги дастлабки таассуротларимиздан иборатдир. Тошкент анжумани якунларини миллий, хорижий ва халқаро экспертлар ҳали кенг таҳлил ва талқин этиб, холис баҳо беришларига ишонамиз.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур халқаро конференция:

**бир томондан,** халқаро майдонда яна Тошкент руҳини тиклагани;

**иккинчи томондан,** янги Ўзбекистон дадил интилаётган учинчи Ренессанснинг ташқи сиёсат босқичи — Миллий Уйғонишнинг халқаро йўналишдаги устувор вазифаларини белгилаб бергани;

**учинчи томондан,** Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларида тинчлик, яхши қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшгани;

**тўртинчи томондан,** ушбу улкан маконда ўзаро манфаатдор ҳамкорликнинг ривожланиши, очиқ ва амалий сиёсат йўлга қўйилишидан ҳар икки минтақа мамлакатлари манфаатдор эканини амалда намоён этгани;

**бешинчи томондан,** халқаро ҳамжамиятнинг тинчлик, фаровонлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ялпи қўллаб-қувватлагани билан тарих зарварақларида мангу муҳрланиб қолади.

**Акмал САИДОВ,**
**академик.**

## Фикр

*Тарихдан аёнки, Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги кўп асрлик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва илмий алоқалар туфайли мазкур ҳудуд халқлари учун умумий бўлган салмоқли маънавий-илмий мерос шаклланган. Шу алоқалар натижасида минглаб мутафаккирлар, олиму-фузалолар ҳамда адибу-шоирлар етишиб чиққан. Чарака, Сушрута, Брахмагупта, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломалар ана шулар жумласидандир.*

# УЗИЛГАН РИШТАЛАРНИ ҚАЙТА БОҒЛАШ ЙЎЛИДА

Афсуслар бўлсинки, XIX асрга келиб тарихий вазият сабабли Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги самарали ҳамкорлик ўрнини ишончсизлик ва қарама-қаршилик эгаллади...

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзуидаги халқаро конференция ана шу узилган ришталарни қайта боғлашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Конференциянинг очилиш маросимида нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги тарихий яқинлик, уни бугунги кунда ўзаро ишонч, манфаатдорлик асосида мустаҳкамлаш аҳамияти ва заруратини рад этиб бўлмас фактлар асосида далиллаб берди.

Жаҳон мутоз адабиёти намояндалари Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Муҳаммад Ҳайдар, Махтумқули, Мирзо Ғолиб, Абай, Рабиндранат Тагор, Садриддин Айний, Чингиз Айтматов бугунги кунга келиб, Марказий ва Жанубий Осиё халқларининг умумий ижодкорлари даражасига кўтарилишида ҳам ҳамкорлик алоқаларининг ўрни беқиёс. Улар асарларида тинчликпарварлик, дўстлик ва гуманизм ғоялари тараннум этилган бўлиб, бу барча халқлар орзу-умидларига ҳамоҳангдир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида: “Буюк олимлар — Абу Райҳон Беруний ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари тарихи, илм-фани ва маданиятининг чинакам энциклопедияси” эканлигини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, улуғ алломаларимиз бу икки минтақани алоҳида-алоҳида эмас, балки бир бутунликда кўрган. Бугун ҳам шунга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани, бу интилишлар ташаббускори Юртбошимиз эканлиги барчамизни мамнун этиши табиийдир. У киши бугун тарихий алоқаларни тиклаш муҳимлигини, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш вақти келганини таъкидлар экан, тинчлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ҳамда ҳамкорлик сиёсатини йўлга қўйиш Марказий ва Жанубий Осиёдаги барча давлатлар манфаатига мос келишини асослаб берди.

Шунингдек, транспорт-логистика инфратузилмасини барпо этиш, савдо, транзит ва божхона жараёнларини рақамлаштириш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда терроризм, экстремизм ва трансчегаравий жиноятчиликка қарши кураш чоралари хусусида ҳам тўхталиб ўтилдики, булар бугунги кунда қанчалик долзарблиги барчага кундек равшан.

Юртбошимиз ўз анъанасига содиқ қолган ҳолда, мазкур анжуманда ҳам қатор таклифларни илгари сурди. Хусусан, Марказий ва Жанубий Осиёнинг туризм салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсадида туроператорларнинг ягона платформасини шакллантириш ташаббуси шулар жумласидандир. Зеро, шу ва бошқа таклифлар Марказий ва Жанубий Осиё минтақасидаги мамлакатлар халқлари манфаатларига, яъни мазкур ҳудудда яшаётган деярли икки миллиардлик аҳоли фаровонлиги, ҳудудимизнинг тинчлиги ва иқтисодий ривожига хизмат қилади.

**Абира ХУСЕЙНОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**фалсафа фанлари доктори,**
**профессор.**

# ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА, ДУНЁ ЭСА ЎЗБЕКИСТОНГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

*Тошкентда бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзуидаги халқаро конференция чин маънода икки минтақа мамлакатлари ҳамкорлигини ривожлантирувчи майдон вазифасини бажарди, десак, айни ҳақиқат.*

Мақсад халқларимизнинг улкан тарихий, илмий, маданий-маърифий мероси ҳамда иқтисодиётларимизнинг ўзаро бир-бирини тўлдириш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд интеллектуал салоҳиятни, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаштириш эди. Форум натижалари ана шундай эзгу ниятларга етаклади.

Анжуманда икки минтақани иқтисодий ривожланган ҳудудга айлантириш асосий вазифа қилиб қўйиларкан, бу улкан жараённи амалга ошириш учун бир томондан, зиддият ва ижтимоий-иқтисодий ларзалардан холи бўлган минтақалараро ҳамкорлик ҳамда шериклик майдонини, иккинчи томондан, маҳсулотлар, хизматлар, инвестиция ва инновацияларнинг кенг бозори шаклланиши учун зарур шароитлар яратиш лозимлиги белгиланди.

Давлатимиз раҳбари халқаро конференцияда нутқ сўзлаб, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий ҳамда Жанубий Осиё узоқ асрлар давомида халқлар ва цивилизациялар ўртасида фаол мулоқотга хизмат қилганини мамнуният билан изҳор этди.

Икки минтақанинг ўзаро яқин ҳамкорлиги натижасида янги билим ҳамда фалсафий қарашлар, тиббиёт ва астрономия, жуғрофия ҳамда математика, геодезия ва меъморчилик, дипломатия санъати ҳамда давлат бошқаруви соҳасидаги ютуқлар, юксак маданий ва маънавий-маърифий қадриятлар кенг ёйилгани бугунги ютуқларимизнинг асосини ташкил этишини айтиб ўтди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: Марказий ҳамда Жанубий Осиё давлатлари билан яқин алоқалар ва ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилаётганидан иккала минтақадаги барча давлат ҳамда халқлар манфаатдор.

Мана, биргина Ўзбекистонни оладиган бўлсак, у билан шерик ва ҳамкор мамлакатлар сафи қанча кенгайса, шунча яхши. Ахир нафақат савдо, саноат, тўқимачилик ёки инвестициялар бўйича ўзаро ҳамкорлик ривожланади, балки маданий-гуманитар алоқалар, маънавий-маърифий ҳамкорлик, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда қардошлик, бордикелди, маданиятлар алмашинуви каби ришталаримиз янада мустаҳкам асосга эга бўлади.

Юксак даражада ташкил этилган ушбу йирик форумнинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, икки минтақа мамлакатлари ўртасида узилишларга барҳам берилиб, ишга солинмай турган имкониятлар ҳаракатга келтирилди. Бу нима дегани? Албатта, бир ёқадан бош чиқариб ишлашда ҳикмат кўп. Ҳамкорликда савдо йўллари очилади, транзит кўлами кенгаяди, маданий алоқалар янгича мазмунда ривожланади.

Президентимиз халқаро конференцияда илгари сурган истиқболли таклифлар минтақалар вакиллари томонидан қўллаб-қувватланди.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон дунёга, дунё эса Ўзбекистонга яқинлашмоқда, қўл чўзмоқда. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар давлатларимиз равнақи ва халқларимизнинг фаровонлиги йўлида муҳим қадам бўлади. Зеро, халқлар ўртасидаги дўстлик ҳамда ўзаро ҳамкорлик ҳар доим ҳам муваффақиятлар гарови бўлиб келган.

**Дилбар УСМОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ШУКРОНАЛИК, САХОВАТ, МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ



1 Одатда, ҳайит кунида ҳамма бир-бирини улуғ кун билан самимий муборакбод этади. Таъкидлаш керакки, бу йил Қурбон ҳайитини карантин талабларига мувофиқ, уй шароитида, оила даврасида, ҳашаматсиз ва камтарона, тартибли нишонлаймиз. Биринчи ўринда бизларнинг дунёга келишимизга сабабчи бўлган ота-оналаримизни, улардан кейин қариндош-уруғларимизни, ёру биродарларимизни телефон орқали йўқлайлик. Уларнинг кўнглини сўраш ва кўтаришга ҳаракат қилайлик. Бу кун барчага кўнгил улашиладиган кундир. Зеро, улуғ алломаларимиз: "Ҳайит кунлари шодликни изҳор қилиш диннинг шиорларидандир", деганлар. Исломнинг шиори бўлган Қурбон ҳайити кунларида қувончимизни, саховатимизни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ намоён қилишимиз лозим.

Ушбу айём кунлари энг улуғ ибодат, шубҳасиз, Қурбонлик қилишдир. Аллоҳ таоло "Кавсар" сурасида: **"Албатта, Биз сенга Кавсарни бердик. Бас, Роббингга намоз ўқи ва жонлиқ сўй"**, деб марҳамат қилган.

Қурбонлик ибодат бўлиши билан бирга унинг ижтимоий аҳамияти ҳам беқиёс. Қурбон ҳайити — хайр-эҳсон, саховат, меҳр-мурувват байрами. Унда қилинадиган қурбонликлар эса жамиятда кишилар ўртасида инсоний фазилатларнинг ривож топишида хизмат қилувчи восита. Чунки қурбонлик гўштидан ва таомидан эҳсон қилишимиз қалбларимизни юмшатиб, меҳр-муҳаббат ришталарини мустаҳкамлайди.

Президентимиз қарори ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши фатвосида Қурбон ҳайитини коронавирус пандемияси даврида карантин талабларига мувофиқ оила даврасида ўтказиш тўғрисида тавсиялар берилди.

Чунончи, ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: *"Зарар бериш ва зарар кўриш ҳам йўқ"* деганлар. Ҳар бир банда ўзини ўзи таҳликага қўйиши, ён-атрофдаги салбий ҳодисага эътиборсиз бўлиши тўғри эмас.

Мўътабар фиқҳий китобларимизда: "Зарарни даф қилиш фойдани жалб қилишдан олдинга қўйилади", деган қоида бор.

Шу боис Қурбон ҳайити (Ийдул адҳо) намозини пандемия даврида жамоат бўлиб ўқиш имконияти мавжуд эмаслиги мўмин-мусулмонларнинг зиммасидан ушбу ибодатни соқит қилади.

Ҳанафий мазҳабининг мўътабар манбаларида келишича, ҳайит намози Зуҳо (чошгоҳ) намозининг ўрнига қўйилган. Қачонки, ҳайит намози бирор узр сабабли ўқилмай қолса, икки ёки тўрт ракат нафл намоз ўқиш мустаҳаб бўлади. Тўрт ракат ўқиган афзал.

Шундай экан, Қурбон ҳайити кунларида савоб ишларни кўпайтириш, такбири ташриқ айтиш, нафл ибодат қилиш, покланиш, чиройли кийимлар кийиш, хушбўйланиш, қурбонлик қилиш, айни савобли ишлардан бўлади.

Бу йилги Қурбон ҳайити карантин шароитида нишонланаётганини инобатга олиб, одамлар жамланишига сабаб бўладиган урф-одатларни ташкил этмаслик, уйма-уй юриб, турли азахонликлар, маърака-маросимларни ўтказмаслик ва қабристонлар зиёратидан сақланишни сўраймиз. Хонадонда, оила-аъзолари билан бирга, Қуръони карим оятларидан тиловат қилиб, ўтганларимиз руҳи покларига бахшида этиш тавсия қилинади.

Мазкур ўрнатилган тартиб-қоидалар ва чекловлар барчаси аҳолимиз саломатлигини асраб-авайлаш учун қилинмоқда. Буни теран ақл билан тўғри тушунишимиз керак. Халқимиз ҳаётини сақлаш йўлида амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар қўллаб-қувватланишимиз лозим бўлади. Ҳар биримиз ўзимиз, оиламиз, фарзандларимизнинг соғлиғи ва тақдири учун, аввало, ўзимиз масъул эканимизни чуқур англашимиз лозим.

Ҳар бир иш Аллоҳ таолонинг изни ва иродасидадир. Ҳақ таоло ҳеч қачон ўз бандаларини кетма-кет оғир аҳволларга ташлаб қўймайди, синовларга сабр ва шукр қилинг!

Қуръони каримда: **"Албатта Аллоҳ тезда тангликдан кейин енгилликни пайдо қилур"** (Талоқ, 7), деб хушхабар қилинган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

*"Хурсанд бўлинглар! Сизларга енгиллик келди. Ҳаргиз бир қийинчилик икки енгилликдан устун келмайди"* (Имом Ҳоким ривояти).

Абу Бакр розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда қуйидагилар айтилади: *"Аллоҳдан яқийнни (мустаҳкам имон) ва мустаҳкам соғлиқни сўранглар. Ҳеч бир кимсага яқийндан кейин офиятчалик яхши нарса берилмаган"* (Имом Аҳмад ривояти). Демак, инсонга Аллоҳ томонидан берилган неъматлар ичида биринчи ўринда мустаҳкам имон турса, кейинги ўринда соғлиқ турар экан. Уни асраб-авайлаш кишининг олий бурчидир.

Азиз юртдошлар, Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти ёғилиб турган ушбу фазилатли кунларда қалбимиз юмшаб, ихлосимиз ортиб турган лаҳзаларда дуо қилайлик. Халқимизни, жонажон Ватанимизни офату кулфатлардан, балою қазолардан Ўзи сақлаб, ҳаётимизни фаровон қилсин.

Бу йилги Қурбон ҳайити мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида кенг нишонланиши халқимиз руҳи ва кайфиятини янада кўтармоқда. Ушбу муборак айёмда давлатимиз раҳбари томонидан юртимиз равнақи, осойишталиги, халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган барча хайрли ишларда Яратганнинг ўзи мададкор бўлишини сўраб қоламиз.

Меҳрибон Аллоҳ таоло ибодатларимизни қабул айлаб, эзгу мақсадларимизни амалга оширишда Ўзи мададкор бўлсин. Қурбон ҳайитининг файзу баракоти қалбларимизга ва хонадонларимизга доимо ёр бўлсин!

**Усмонхон АЛИМОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.**

# КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ ШУНЧАКИ ОДДИЙ МАСАЛА ЭМАС

*Ҳар бир халқнинг ўзига хос ва мос анъаналари, қадриятлари бор. Буни миллий либослар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, бизнинг қанчадан-қанча гўзал миллий кийимларимиз мавжуд. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам уларга чет элликлар ҳавас ва ҳайрат билан қарайди. Аммо ўзимиз либосларимизга беписандлик билан қараётганимиз алам қилади...*

## Мушоҳада

Хўш, бугун юртдошларимизнинг кийиниш маданияти миллийлигимиз ва қадриятларимизга мосми? Оддий фуқаролар ва давлат хизматчиларининг кийиниш маданияти бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?

Биринчи савол жавоби тайин: миллий либосларимизга алоҳида ҳурмат кўрсатаётган юртдошларимиз камёб, ёмони, улар сафи борган сари камайиб бормоқда. Иккинчи саволга келсак, бу ҳам анча ташвишли масала. Ҳаётни кузатиш натижасида давлат органларида фаолият юритувчи ходимлар ташқи кўринишига нисбатан талаблар қўйилмагани уларнинг турлича кийиниши, айрим ҳолларда "давлат хизматчиси" деган мақомга, маданиятимиз ва урф-одатларимизга тўғри келмайдиган ҳолатларга дуч келинаётганини ҳам айтиш зарур.

Бу, ўз навбатида, давлат ташкилотлари ходимлари тартиб-интизомига ва иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қандай қилиб, дейсизми? Ишхонада кийиниш меъёрларига риоя этмаётган ходимлар хатти-ҳаракати бошқаларга ёмон таъсир қилаётгани сир эмас. Бундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида давлат органлари ходимлари кийиниш этикаси қоидаларини жорий қилиш зарурати бор, деб ҳисоблаймиз.

Кўплаб хорижий давлатларда бу масаланинг замонавий ечими топилган. Аксарият давлатларда ходимлар ташқи кўринишига қўйиладиган талаблар вазирликларнинг ички буйруғи билан тасдиқланган, баъзиларида ҳукумат қарори билан тартибга солинган. Бундай жиддий ёндашувнинг ўзига хос сабаблари бор. Гап шундаки, давлат идоралари ходимларининг кийиниш маданияти, ташқи кўриниши ва одоб-ахлоқи орқали фуқароларнинг давлат идорасига бўлган ҳурмати ҳамда ишончи мустаҳкамланади ёки аксинча бўлади. Шундай экан, ушбу масалага енгил қараш ярамайди.

Шу сабабли Президентимиз Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида бу ҳақда шундай деган эди: "Шу ўринда, яна бир масалага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Эл-юрт орасида ҳурмат қозонган зиёлилар, таниқли шахслар кийиниш маданияти ва муомаласи билан бошқаларга, энг аввало, ёшларимизга ўрнак бўлиши шарт. Хушовоз хонанда Санобар Раҳмонованинг бир пайтлар куйлаган дилбар қўшиқларини томошабинлар ҳозир ҳам соғиниб эслайдилар. Бу санъаткор телеэкранда ҳам, саҳнада ҳам иболи, ҳаёли, ҳақиқий ўзбек қизининг қиёфасини, чинакам образини яратиб, қанча-қанча қизларимизга ибрат бўлган эди".

Давлат идорасида фаолият юритувчи ҳар бир ходим, аввалламбор, ташқи кўриниши, кийиниши, юриш-туриши билан бошқаларга намуна бўлиши, одоб-ахлоқ қоидаларига мос хатти-ҳаракат қилиши, шу орқали одамларнинг давлат идораларига бўлган ҳурмат ва ишончини оширишга кўмаклашишлари зарур.

Кийиниш одоби ҳақида гап кетаркан, баъзиларнинг бошқа миллатларга тақлидан кийинаётганлиги хусусида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Ёшлар, айниқса, қизларимизнинг араб ва турк маданиятига тақлидан кийиниши ва ташқи кўринишида ўзга маданият унсурларини акс эттиришга уринаётгани жудаям ташвишли. Буни, ҳатто, миллийликка бўлаётган энг хатарли ҳужум, дейиш мумкин. Зеро, кийиниш маданияти шунчаки оддий масала эмас. Агар киши миллий либосларидан воз кечса, у нафақат кийимдан, балки уларда акс этган миллий қадрият ва урф-одатлардан ҳам воз кечган бўлади.

Кўриниб турибдики, бу масала жудаям жиддий. Шундай экан, миллий либосларимизни асраб-авайлаш, уларнинг аҳамиятини ёшларимизга етказиш барчамиздан катта масъулият талаб этади. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам фаол бўлишлари, миллийлик учун, қадрият учун, халқнинг эртанги куни учун бефарқ бўлмасдан тизимли фаолият олиб бориши керак бўлади. Яъни маҳаллий Кенгашлар депутатлари учрашувларда халқимизнинг ўзига хос кийиниш маданияти ва бунинг аҳамиятини чуқур тушунтириб беришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Толибжон МАДУМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ЎТМИШДАГИ ЮТУҚЛАРДАН КЕЛАЖАКДАГИ РЕЖАЛАР САРИ

*Миллатимизнинг тарихини табаррук ислом динидан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Юртимиз ҳудудига ислом дини кириб келишидан аввал ҳам Суғдиёна ва Хуросонда, шунингдек, Фарғона водийси ҳудудларида буюк цивилизациялар мавжуд бўлганликларини қанчалар билсак, айнан ислом динининг илм-маърифатга чақирувчи даъватларидан илҳомланиб, буюк аждодларимиз — Хоразмий, Термизий, Бухорий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби олиму мутафаккирлар жаҳон цивилизациясига ўз асарлари ҳамда кашфиётлари билан бебаҳо ҳисса қўшганликларини шунчалар ғурурланиб, эътироф этамиз.*

## Нуқтаи назар

Ҳозирги ҳаётимизга ҳам диний-тарбиявий ва маърифий қадриятлар шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта, уни беихтиёр Яратгувчининг иродаси билан боғлайди ва "Худо хоҳласа", "Инша Аллоҳ", деб қўйишни канда қилмайди. Чақалоқларнинг қулоғига азон айтилади, фарзанд тарбиясида "Бисмиллоҳ"ни, катталарни эъзозлаш, ноннинг қадрига етиш, ҳалол меҳнат қилиш, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар билан алоқани узмаслик, эҳтиёжмандларга ёрдам бериш, ёшлар оила қурганларида никоҳ ўқиш ва бошқалар диний-миллий қадриятларимиз қаторидан мустаҳкам ўрин олган.

Шу нуқтаи назардан 2017 йилнинг июнь ойида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини барпо этиш ташаббуси ва қарори халқимизни, миллионлаб инсонларни тўлқинлантирган эди. Кўз ўнгимизда унинг муҳташам биноси қад ростламоқда. Эътиборлиси, иншоотнинг бўй-бастига монанд равишда марказнинг ғояси, мазмун-моҳияти ҳам бойиб, янада улуғворлик касб этмоқда.

Бугунги кунга қадар муассасамиз томонидан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳақида батафсил маълумот етказиш, мақсад ва вазифалари, тузилмаси ва мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган, шунингдек, исломнинг олтин даври — биринчи Ренессанс, Темурийлар даври Ренессанси тарихий босқичларида ўзбек халқининг буюк аждодлари ҳаёти ҳамда илмий фаолияти юзасидан турли даражаларда жами 266 та тақдимот ўтказилиб, 5000 дан ортиқ нашр, видео ва слайд шаклидаги материаллар тарқатилди. Марказ биноси, музей ва кутубхонасини шакллантириш мақсадида олимлар, мутахассислар, масъул ва манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар вакилларидан иборат кенгаш, мувофиқлаштирувчи ва ишчи гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Гуруҳлар томонидан ушбу маърифат мажмуасининг тарихий-илмий концепцияси ишлаб чиқилди. Эндиликда фаолият кўлами ҳамда вазифалар қамрови янада кенгайтирилмоқда.

Президентимизнинг куни кеча эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида учинчи Ренессанснинг илмий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатнинг ислом цивилизациясини ривожлантириш борасидаги ролини янада ошириш ҳамда буюк алломаларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини миллий ва халқаро миқёсда оммалаштириш марказимизнинг ҳозирги кундаги асосий вазифаси этиб белгиланди.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази "Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон" ғоясини кенг тарғиб қилувчи, янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда ўрганувчи, уни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи, ислом дини билан боғлиқ қадимий ва бой анъаналарни тарғиб қилувчи илмий-маърифий масканга айлантирилмоқда.

Марказ зиммасига, шунингдек, Ўзбекистон халқининг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш, ислом цивилизациясини тадқиқ этишнинг долзарб масалаларига бағишланган конференциялар, симпозиумлар, кўргазмалар ва илмий маърузалар, семинар-тренинглар, танловлар ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларни доимий ташкил этиб бориш, ислом тарихи ва маданияти йўналишига оид билимларни ошириш, қадимий қўлёзма ва тошбосма асарларни таъмирлаш, ислом манбаларини ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш каби вазифалар ҳам юклатилмоқда.

Кенг қамровли ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида жаҳон илм-фани тараққиёти ва цивилизациясига ҳисса қўшган аждодлар илмий меросини тадқиқ этиш ҳамда янги юксалиш давридаги ютуқларни тарғиб қилиш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Албатта, тарғибот ишлари ва унинг самарадорлиги муайян сарф-харажатларсиз бўлмайди. Шу мақсадда марказ ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда. Жамғарма маблағлари илмий адабиётларни яратиш, чоп этиш, ноёб асарлар ва ҳужжатларни харид қилиш орқали марказ китоб фондини кенгайтиришга, илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратишга, ижтимоий, илмий, маънавий ва маърифий тадбирларни ташкил этишга, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини молиялаштириш каби йўналишларга сарфланади.

Аждодларимиз қолдирган меросни ўрганиш биз, авлодларнинг муқаддас бурчидир. Афсуски, яқин йилларгача аждодларимиз қолдирган бебаҳо илмий меросни ўрганиш, уни рисоладагидек асраб-авайлашга етарли эътибор бермадик. Масалан, кўпчилигимиз қоғознинг яратилиши илм ва маърифат ривожида катта аҳамият касб этганини яхши биламиз. Аммо дунёга машҳур Самарқанд қоғозига битилган бебаҳо асарлар ҳалиҳамон илм-фан ривожи ва маърифатга хизмат қилиб келаётганини чуқур англамаймиз. Қарорда марказ ҳузурида Самарқанд қоғози, муқовасозлик ва хаттотликнинг қадимий анъаналарини тиклаш бўйича устахона-лаборатория ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Қарор талаблари асосида, марказ музейи экспозициялари ва кутубхонаси фондини шакллантириш, аҳолидан харид қилинадиган қўлёзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий ҳужжатлар, экспонатларни таҳлил қилиш, саралаш, уларнинг ноёблигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича экспертлик комиссияси тузилади.

Айтиш жоизки, юртимизга сайёҳларни жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, ислом цивилизацияси ва зиёрат туризмининг илмий асослари бўйича етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга гид-таржимонларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини доимий ошириб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида марказ ҳузурида ислом цивилизацияси ва зиёрат туризми йўналишида гид-экскурсоводларни ўқитиш бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилиши ҳам қарорнинг муҳим бандларига киради.

Шунингдек, 2022 йил 1 январга қадар марказ таркибидаги кутубхона, архив ҳамда музейда сақланаётган қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар рақамлаштирилиб, барча маълумотларни ўзида акс эттирувчи мобиль илова ишга туширилади. Ҳужжатда қарорда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун тегишли вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари шахсан масъул этиб белгиланган.

Ўтмишда номлари тарих саҳифаларига абадий муҳрланган буюк даҳо аждодларимиз диний ва дунёвий илмлар соҳаларида катта ютуқларга эришдилар. Бу йил мустақиллигининг ўттиз йиллигини нишонлаётган мамлакатимизнинг келажакдаги режалари бисёр. Уларни амалга оширишда, хусусан, янгича фикрловчи янги замон кишисини шакллантиришда улуғ аждодларимиз меросини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ушбу бебаҳо мерос келажак авлодларгача етиб бориши учун уни асраб-авайлаш лозим. Қарор ғоясида айни шу жиҳатлар мужассам. Ишончимиз комил, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази халқимизнинг юксак илмий тафаккури, эзгу ғояларининг ифодаси сифатида нафақат Ватанимиз, балки дунё илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшади, том маънода илм ва маърифат марказига айланади.

**Шоазим МИНОВАРОВ,**
**Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори.**

# ИЛМ-МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ

*Кейинги йилларда юртимизда илм-маърифатни янада ривожлантириш, халқимиз маънавиятини бойитиш, миллий ўзликни англаш ва ғурур туйғуларини юксалтириш, қадриятларни мустаҳкамлаш борасида залварли қадамлар қўйилди.*

*Улуғ аждодларимиз, жумладан, беқиёс шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар миллий адабиётни янада тараққий эттириш, она тилимиз софлигини сақлаш, айниқса, ёшларда буюк бобомизга ҳурмат-эҳтиромни юксалтириш, у зотнинг бебаҳо меросига қизиқишни кучайтиришга хизмат қилмоқда.*

## Эҳтиром

Бу борадаги ишларда мутафаккир номи билан аталувчи Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Ушбу олий таълим масканига раҳбарлик қилиб келаётган филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддиновнинг юксак салоҳияти, изланувчанлиги, заҳматкашлиги ва фидойилиги сабаб маънавий тараққиётимизни янги босқичга кўтаришда сезиларли ютуқларга эришилмоқда.

Сир эмаски, илм билан шуғулланганларнинг аксарияти раҳбарлик ишига рағбати йўқ, аксинча, илмий даражага эга бўлган раҳбарларда баъзан илмий фаолият сусаяди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари борлиги кўпчиликка маълум, лекин ҳар иккаласини ҳам баравар олиб бориш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шуҳрат Сирожиддинов эса бу икки жабҳада ҳам муваффақият билан одимлаётган инсонлардан биридир.

Профессор Шуҳрат Сирожиддинов инсоният цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккир бобокалонларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга умрини бағишлаган фавқулодда серғайрат тадқиқотчи. Олим 2002 йили Оксфорддаги Бодлеан ҳамда Оксфорд университети Шарқшунослик институти кутубхоналарида Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаёти, илоҳиёт ва ислом фалсафасига оид манбаларни ўрганди.

Олимнинг эътироф этишича, унинг илмий фаолиятининг салмоқли қисмини ташкил этган исломшунослик билан боғлиқ тадқиқотлар Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганиш истагидан туғилган. Дастлаб ўз илмий фаолиятини Алишер Навоий диний-тасаввуфий қарашларини ўрганишдан бошлаган ёш тадқиқотчи ўтган асрнинг 90-йилларида ёзган "Шеъриятда инсон руҳий камолоти талқини", "Навоий навосидан баҳра олиб" китобларидан кўнгли тўлмайди. "Алишер Навоий шундай мутафаккирки, унинг асарлари туб мазмун-моҳиятини тушуниш учун фақат адабиётшунос бўлишнинг ўзи кифоя эмас, балки ислом таълимоти, фалсафаси, илоҳиёт илмини чуқур билиш лозим. Ана шундагина ҳазрат Навоий даҳосини теран тасаввур қилиш, мисралар қатида яширин маъноларни юзага чиқариш мумкин", деб ҳисоблайди олим.

Мустақилликнинг илк йиллари илм-фан майдонида тарихни холис ўрганиш ва буюк мутафаккир аждодларимизнинг мустабид тузум мафкураси исканжасида нотўғри талқин этилган ҳаёти ҳамда ижодий қирраларини асл ҳолида тиклаш масаласи кун



тартибига қўйилди. Шу аснода буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳаётини ҳам асл қўлёзма манбалар асосида қайта кўриб чиқиш зарурати мавжуд эди. Бу вазифани ёш навоийшунос Шуҳрат Сирожиддинов ўз бўйнига олди. Унинг ечими катта ижодий куч, сабр-тоқат ҳамда атрофлича билимни талаб қилар эди. Олимнинг ўзбек ва форс тилида битилган эски қўлёзмаларни бемалол ўқий олиши, матнларни эркин илмий қиёслай билиши бу ишда қўл келди. Унинг докторлик диссертацияси навоийшуносликнинг шу давр учун ўта долзарб бўлган муаммоси — Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир XV — XX аср форс-тожик ёзма манбаларининг қиёсий типологик-текстологик таҳлилига бағишланди.

Тадқиқот жараёнида XV асрнинг II ярми — XIX асрда яратилган Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир уч юздан ортиқ қўлёзма манбалар тадқиқ доирасига тортилди. Маълумотлар теран таҳлил этилиб, салмоқли назарий ва амалий аҳамиятга эга умумлашмалар, хулосалар ясалди. Янги манба ва маълумотлар илмий истеъмолга киритилди. Ҳазрат Навоий ҳақида мавжуд маълумотларнинг даврий ҳолат ва кўринишлари очиб берилди. Қўлёзма манбалар асосида мутафаккир ҳаёти ҳамда фаолиятига доир асл ва тўқима маълумотлар, уларнинг XX асрга қадар яшовчанлик сабаблари ва тарқалиш кўлами, ўзгарув кўринишлари ва даражалари аниқ, ишонарли тарзда исбот қилиб берилди. Натижада Алишер Навоийнинг асл таржимаи ҳоли тикланди, дунёқараши ва миллат дарди билан яшаган давлат арбоби сиймоси салбий қарашлардан тозаланди. Ушбу тадқиқот навоийшуносликнинг улкан ютуғи сифатида илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилди ҳамда олимга 2013 йили Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт соҳасидаги 1-даражали давлат мукофоти берилди.

Бугун устоз атрофида ёш навоийшуносларнинг янги авлоди шаклланмоқда. Ҳозирги кунгача 4 нафар фан доктори, ўндан зиёд фан номзодлари ва филология фанлари бўйича фалсафа докторлари (PhD)ни тайёрлади. Яна ўнлаб шогирдлари ўзбек мумтоз адабиётининг турли назарий жиҳатлари, хусусан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш масалалари билан шуғулланмоқда.

Устоз янги Ўзбекистонда адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасини ривожлантириш ҳаракатининг етакчиларидан биридир. Унинг ташаббуси билан республикада хаттотлик мактаби яратилди, адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўзбек тили ва адабиётини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, халқимизнинг улкан ёзма мероси, бой анъана ва урф-одатлари, маданиятини ўрганиш бўйича чуқур тадқиқотлар ва амалий изланишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда устоз ўзбек адабиёти тарихи билан боғлиқ қадимий қўлёзмаларни ўрганиш, мустабид тузум даври тазйиқлари остида ўз ижодини юзага чиқара олмаган иқтидорли шоирларни излаб топиш ва илмий-ижодий меросларини оммага маълум қилиш ишларига бош-қош бўлмоқда.

Ш. Сирожиддинов жаҳон илмий жамоатчилиги орасида ўзбек адабиётини жаҳоннинг илғор илмий услублари асосида ўрганиш, миллий-диний қадриятларимизни тиклаш бўйича давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг мамлакатимиз ва хориждаги фаол тарғиботчиси сифатида танилган. У Озарбайжон Фанлар академияси фахрий доктори, Оксфорд Ислом тадқиқотлари маркази фахрий аъзоси, Марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро ассоциацияси ҳамраиси, Евроосиё туркий тадқиқотлар институти илмий маслаҳатчисидир. Шунингдек, кўплаб халқаро журналлар ва маҳаллий журналларнинг таҳририят аъзосидир.

Устоз Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори лавозимида ишлар экан, республикада кадрлар тайёрлаш тизимида янги ташаббуслари билан алоҳида эътирофга сазовор бўлган. Унинг раҳбарлигида университет 3 йил муддат ичида Ўзбекистон олий ўқув юртлари миллий рейтингида 9-ўринга кўтарилди. Унинг ташаббуси билан янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари очилди.

Университет қисқа даврда ўзбек тили ва адабиёти орқали ёш авлодни маънавий қадриятларимизга, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга оид стратегик ғояларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга уйғунлаштириш борасида республикада таянч марказга айланди. Бу даврда университет янгича методикага асосланган ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш бўйича нафақат республикадаги 18 та олий таълим муассасаси, балки хориждаги Ўзбек тили марказлари учун ҳам таянч методик марказ мақомини олди.

Шуҳрат Сирожиддинов табиатан жуда камтар, самимий ва хоксор инсон. Буни унинг кишилар билан муносабатларида яққол кўриш мумкин. Ёши улуғларга тавозе ва эҳтиромини кўрганлар унинг катта олим ва таниқли жамоат арбоби эканлигига қарамасдан қўли кўксидан тушмаслигидан таъсирланади. Қаерда фаолият кўрсатган бўлмасин, ҳамиша унинг орқасидан фақат яхши гаплар эргашиб юради. Олимнинг ишга масъулияти, жонкуярлиги, ходимларига талабчанлиги билан бирга, уларга самимий меҳри доим инсонлар қалбига эзгулик жилғалари бўлиб оқиб киради.

Шу кунларда таниқли олим муборак олтмиш ёш остонасида. Устоз айни кучга тўлган, оламга беғараз зиё бахш этаётган кўкдаги офтоб мисоли ўз билиму тажрибасини халқимизга, ёшларга улашмоқда. Жонкуяр раҳбар, фидойи олимнинг мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, таълим соҳасини янада равнақ топтириш, илм-фанни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга доир эзгу ташаббуслари янада жўшиб турибди. Профессор Шуҳрат Сирожиддинов ҳали катта-катта довонларни ошиб ўтишига ишонамиз.

**Самихон АШИРБОЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор,**
**Баҳодир ХОЛИҚОВ,**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6